

5.3. Сувни хисобга олиш асбоби ва ствол зулфинидаги пломбанинг сакланмаганлиги ва бут эмаслиги аниқланган тақдирда, сўнгги далолатнома тузилган санадан эътиборан, аммо энг кўпи билан уч ойдан ошик бўлмаган давр учун, тўловлар Қоидаларнинг 87-бандининг “б” кичик бандига мувофиқ амалга оширилади.

5.4. Пломбаланган ёнгин зулфинлари ва гидрантларидағи пломбаларни узишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

а) Таъминотчи билан келишилгандан сўнг сув таъминотининг ёнгинга қарши тизими фаолияти текширилганда ва ёнгин насослари синовдан ўтказилганда;

б) Таъминотчини хабардор килмаган ҳолда ёнгин ўчирилганда ва ёнгин хавфсизлиги органлари томонидан ёнгинга қарши сув таъминоти тизимининг синовлари ўтказилганда.

5.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда истеъмолчи 24 соат мобайнида Таъминотчига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун Таъминотчи вакилини чакириши шарт.

5.6. Сув қувурига ўзбошимчалик билан уланган, совук сувни хисобга олиш асбобларининг бузилишига атайлаб йўл қўйган, шунингдек кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида хисобга олиш асбобларига ташқаридан аралашган истеъмолчилар қонун хужжатларида назарда тутилган тартибида жавобгарликка тортиладилар.

VI. СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ХИСОБЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчи Таъминотчига, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни кейинги ой учун, агар ҳисобида етарли микдорда олдиндан тўлови мавжуд бўлмаса, хар ойнинг 10 санасига кадар 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тариқасида амалга ошириши лозим.

6.2. Истеъмолчи шартномада белгиланган тўловларни ўз вақтида тўламаган тақдирда тўловларнинг кечикирилган ҳар бир куни учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.3. Таъминотчи шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар (бажарилмаган ишлар) баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.4. Истеъмолчи ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни шартномада белгиланган шартлар асосида ва тартибида ўз вақтида тўламаса, Таъминотчи Истеъмолчини ёзма равища хабардор килган пайтдан бошлаб 5 иш куни ўтгандан кейин қарзларни қонун хужжатларида белгиланган тартибида Истеъмолчини ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини қўради.

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимидан илгари узиб қўйилган (ўзбошимчалик билан уланиш, қарздорлик мавжуд бўлганда, ёки шартнома шартлари бажарилмаганда) Истеъмолчини қайта улашда Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш микдорининг 10 (үн) баробари микдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали 3 кундан кечиктирмай тармоққа қайта уланади.

6.5. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг микдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув микдорига teng. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув микдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентгача қўлланилади.

6.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда Таъминотчи ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объекtlаридан маҳсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун руҳсатномани қўшимча равища тақдим этиши зарур.